



Фаргона вилояти

Ёзги соғломлаштириш

«Ниҳол»да янграйди шодон кулгилар

Қувасой шахрининг хушманзара гўшасида жойлашган «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида айни пайтда иккинчи мавсумда 205 нафар ўғил-қиз болалик гаштини сурмоқда. Бу ерда улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шинам ётоқхоналар, ёзги айвончалар, мазали таомлар тайёрланадиган кўркам ошхона, қизиқарли адабиётларга бой кутубхона, спорт майдончалари болажонлар ихтиёрида.

Биринчи мавсумда 111 нафар, иккинчи мавсумда 205 нафар ўғил-қизни қабул қилдик, — дейди оромгоҳ раҳбари Куртзаде Умерова. — Бу ерда болажонлар футбол, стол теннис, шахмат, шашка ўйнаб, кунларини мароқли ўтказиш билан бирга, инглиз тили ва компьютер буйича билимларини ҳам оширмоқдалар. Қолаверса, болажонлар истеъод ва салоҳиятини кенг намойён этишлари учун бир-биридан қизиқ кўрик-танловлар ўтказамиз. Оромгоҳ майдони 6 гектардан

иборат. Унинг асосий қисмида мевали боғ барпо қилинган. Айниқса, ҳозир бу ерда ўрик, олча, олма каби мевалар фарқ пишган. — Шахмат ўйнаш сеvimли машғулотибга айланди, — дейди Фирдавс Мадаминов. — Дўстларим билан кунимизни мароқли ўтказаямиз. Тунов кунни шахмат буйича ўтказилган мусобақада биринчи ўринни қўлга киритдим. — Ҳар бир кунимиз таассуротларга бой ўтмоқда, — дейди Шодиёна Йўлчиева. — Мен қизлар ўртасида ўтқа-

зилган шашка мусобақасида ғолиб бўлдим. Дугонам Рухона Раҳматжоннова эса стол теннисида ғолиб бўлди. Иккиламиз ҳам уйга фахрий ёрлик ва эсдалик совғаси билан қайтадиган бўлдик.

— Бу ерга учинчи марта келишим, — дейди Бахтиёр Мадалиев. — Ҳозир компьютер тўғрисида қатнашиб, устозимдан сабоқ оляпман. Яна инглиз тилини ҳам кунт билан ўрганапман.

Мухтасар айтганда, сўлим ва файзли масканда ўғил-қизларнинг мароқли дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, спорт билан шуғулланиши, тозалик, орасталик ва оқатланиш тартиби шифокорларнинг доимий назоратида.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



Долзарб мавзу

Диққат! Бозорда сифатсиз цемент...

Қурилиш ишлари авж олиши билан цементга бўлган талаб ҳам ошиб кетди. Шу билан бирга, унинг нархи ҳам... Биржа маълумотларига кўз югуртирадиган бўлсак, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида барча маркали цементнинг нархи 59 фоизгача ўсган.

Талаб юқорилигининг яна бир асосий сабаби цемент импорти ГОСТ 31107-2016 ва ГОСТ 10178-85 меъерий ҳужжатлари талабларига асосан божхонада расмийлаштириш учун 28 кун давомида лаборатория синовларидан ўтказиш белгиланганидир. Бунда текширув хулосаси ижобий бўлгандагина цементни ички бозорга олиб киришига рухсат берилади. Жараённинг ўзига яраша мураккаблиги боис, тадбиркорларда цемент импорти билан шуғулланишга қизиқиш катта эмас. Бу эса ички бозордаги нархларга ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Аммо Монополияга қарши курашиш қўмитаси матбуот хизматининг хабар қилишича, 2 июль кунини Вазирилар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда ҳукумат цемент импортига чекловларни олиб ташлаш буйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмасига тақлифлар ишлаб чиқиш ва тегишли қарор лойиҳасини тез кунларда киритиш топширигини берган.

Мақсад цемент бозорида тақлиф даражасини кўтариш, ички бозорни цемент билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, сифатсиз цемент импорт қилувчиларнинг жавобгарлигини кучайтиришдир.

Дарвоқе, Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган онлайн брифингда «Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси «Мамлакатимиздаги цемент заводлари маҳсулотлари сифати 99 фоиз ишончли» дея баҳолади. Аммо маъсулларнинг айтишича, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан сифатсиз цемент маҳсулотлари сотиб олган фуқаролар томонидан шикоятлар келиб тушган. Маълум бўлишича, ҳозирги вазиятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган айрим сохта «ишбилармонлар» «Қизилқумцемент», «Қувасойцемент» каби завод ва корхоналарнинг қопларини олиб, цементга яна бошқа қандайдир аралашмаларни қўшган ҳолда сифатсиз маҳсулотлар сотишга урингани аниқланган.

Шу боис, уюшма юрtdошларимизни маҳсулот сотиб олаётганда унинг қайси заводда ишлаб чиқарилигани, стандартларга жавоб берадими-йўқми каби маълумотларни талаб қилишга, маҳсулот сифатига шубҳа туғилганда эса тегишли идораларга хабар беришга чақирмоқда.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»



Етакчи минбари

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР... КИМЛАР? ЎХУД МУҲИМ ҚАРОР МОҲИЯТИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш борасида қулай шарт-шароитлар яратилляпти.

Жумладан, йил бошида хусусий нотариусликка рухсат берилгани натижасида юртимизда 617, вилоятимизда 48 та давлат нотариус идораси хусусийлашди ва бюджетдан берилаётган 200 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Юрtdошларимиз орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда ишламаётган, меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли масъумий меҳнат ёки томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчилигини ташкил этади. Аммо шу кунга қадар уларнинг фаолияти ҳеч қачон қайд этилмади. Бу эса пенсия ёшига етганда, нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажини йўқлиги муаммосини келтириб чиқарди.

Бу каби ҳолатлар Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ўз ечимини топди.

Қарорга кўра, ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида касб-хунари бор фуқароларга муносиб шарт оид яратилиш мақсадида янги тизим жорий этилиши белгиланди. Яъни, сартарош, этикдўз, новвой, темирчи, дурадгор, тикувчи, таксичи, таржимон, дизайнер, компьютер дастурчиси каби ўзини ўзи банд қилган 67 та касб эгаси даромад солиғидан озод қилинадиган бўлди.

Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун телефон орқали солиқ идораларини хабардор қилиш kifоя. Бундай фуқароларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш буйича махсус мобил илова ишлаб чиқилди.

Шу ўринда «ўзини ўзи банд қилиш» атамасига тўхталсак. Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар — меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш буйича асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, яъни тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнати билан фойдаланмайдиган, жисмоний шахслар меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ҳисобланади.

Аслида, бугунгача ҳам халқимиз бундай фаолият турлари билан шуғулланиб келган. Хунармандчилик, устачилик, заргарлик, новвойлик, дурадгорлик, сартарошлик каби касб эгалари шулар жумласидан. Энди эса бундай фаолиятга ҳуқуқий мақом берилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги қарори билан соҳада янги тартиблар жорий этилди. Жумладан, 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати кенгайтирилди. Мазкур фаолият (хизматлар, ишлар) турлари 24 та эди. Энди уларнинг сони 67 тани ташкил этади. Бу эса норасмий секторда банд бўлганлар сонини янада камайтиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг мазкур қарорига кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни

масофадан ҳисобрақами очиш, почта, тўловларни қабул қилишда қатор тўсиқлар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарориди бундан жихатлар ҳам ўз аксини топиб, интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахслар (фрилансинг)га қатор ҳуқуқлар берилди.

Жумладан, энди улар кўрсатилган хизматлар учун чет элдоги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хоржий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда, юртимиз банкларидидаги ҳисобрақамларига қабул қилиши мумкин.

Бундан ташқари, контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий тақлифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмасиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларини (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиши мумкин. Қарор билан 1 июлга қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олишни назарда тутувчи мобил илова ишлаб чиқилди. Тадбиркорлар учун «Бизнес навигатор» ахборот тизими жорий этилди.

Қолаверса, яъни тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома унда тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда берилди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқ белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайди.

Ўзини ўзи банд қилганлардан олинмаган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдори келаси йили 2021 йилга мўлжалланган солиқ сийосатини такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда белгиланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур қарор ҳақиқатда банд, лекин расман банд бўлмаган аҳоли фаолиятининг расмий бандлигини таъминлашда, келажақда уларнинг пенсия таъминотини йўлга қўйишда ҳамда бу соҳада янги механизмларни ҳаётга таъбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади, ва албатта, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шонра ҚАЙДАРОВА,

Қашқадарё вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш бош бошқармаси касасабу уюшма қўмитаси раиси

Бизда ривожланган давлатларда анча оммалашган «фрилансер» атамаси ҳам пайдо бўлмоқда. Ҳўш, фрилансер ким? У — эркин ишчи бўлиб, асосан, бир маргалик ёки маъсумий ишларни бажариш учун ёлланувчи, буюртма асосида қайсибир иш ёки хизматни маънавий ҳақ эвазига келишган вақт давомида амалга ошириб беришчи киши. Фрилансер ҳар қандай жойдан туриб истаган мамлакатдаги лойиҳа буйича ҳақ эвазига хизмат кўрсатиши мумкин.

Яна бир атамасига тўхталсак. Бизда ривожланган давлатларда анча оммалашган «фрилансер» атамаси ҳам пайдо бўлмоқда. Ҳўш, фрилансер ким? У — эркин ишчи бўлиб, асосан, бир маргалик ёки маъсумий ишларни бажариш учун ёлланувчи, буюртма асосида қайсибир иш ёки хизматни маънавий ҳақ эвазига келишган вақт давомида амалга ошириб беришчи киши. Фрилансер ҳар қандай жойдан туриб истаган мамлакатдаги лойиҳа буйича ҳақ эвазига хизмат кўрсатиши мумкин.

Бугунги кунда юртимизда ҳам қўлаб ёшлар уйда ўтириб, интернет орқали дизайнерлик, таржимонлик, дастурлар, реклама, репетиторлик каби хизматларни кўрсатмоқда. Лекин бундай мутахассислар, яъни фрилансерлар учун

Сизнингча, юртимизда карантин қоидалари оммавий равишда таъбиқ этилиши 2020 йилда рўй бердими? Жавоб беришга шошилманг? Тўғри, тарихимизда юқумли касалликларнинг оммавий тарқалиш ҳолатлари бўлган. Вируслар турли асрлар ва йилларда минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлган. Ҳукуматлар, маъмурулар бунга ўз имкониятлари доирасида чоралар қўлаган. Лекин ҳудудимизда олдин ҳам карантин ҳолати эълон қилинган, дезинфекция воситалари қўлланилганми?

Садриддин Айнийнинг «Эсдаликлар» асарини ўқиб, 1893 йилда Бухорода тарқалган вабо пайтида айнан карантин сўзи қўлланилганига гувоҳ бўламиз.

Асарда келтирилган маълумотларга кўра, 1893 йилнинг ёзида Бухорода яна вабо пайдо бўлади. Касаллик бутун Бухорони қамраб олиб, вафот этганлар кўлигидан шаҳар уламолари фатвоси билан марҳумларга оммавий жанозалар ўқила бошлади. Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухоро ҳукмати шаҳарга касаллик кириб келишининг олдини олиш мақсадида иккита карантин ўтказиш жойини ташкил этган.

Бухоро ҳукуматининг карантинларидан бири Қарши чўлидаги Четарик маззасида, иккинчиси Кармана йўлидаги Хонработ маззасида ташкил қилинган. Даштароид астадига ташкил топган бу жойларнинг ҳар бирида биттадан бухоролик табиб ва амирнинг олтиқ навкарларидан бир гуруҳи турарди, деб ёзди у. Садриддин Айнийнинг гувоҳлик беришича, ҳудудга буйрадан махсус капачалар курилиб, уларнинг ёнларида икки-уч катта мис қозонда сув қайнаб турар, қозонларга қонқоқ ўрнига буйра ёпиб қўйилган. Навкарлар йўловчиларни тўтиб келар, табиблар унинг томирини кўриб, соғлом, деб ҳукм қилар, шундан сўнг йўловчилар кийимларини ечиб, капачаларга кирар, бошларига бир челек сув қуяр, маъмурулар уларнинг кийимларини қозон сувига ёпилган буйра устига қўйиб буғлаб берадилар.



«РАНГИ СИНИК ОДАМЛАР»

ёхуд юртимиздаги илк оммавий карантин тарихи

Аммо йўловчиларнинг чўмилишига шу қозондаги сувдан бериларди. Шу билан «дезинфекция» маросими тугаб, одамлар бугда намланган кийимларини кийиб, ўз йўлига қараб кетганлар.

Маълумотларга кўра, ўша вақтда Когонда яшаган Россия маъмурулари ҳам ўз тасарруфидида ҳудудда касалхона ташкил қилиб, темирйўл станциясида карантин тартибларини жорий этган.

«Эсдаликлар»да қайд этилишича, ўша вақтда Бухорода биттигина касалхона мавжуд бўлиб, унда битта рус доктор, бир таржимон ва битта қашқарлик фельдшер ишлаган, холос. Вабога қарши касалхона ҳам шулар назорати остида ташкил топган.

Лекин касаллик ўтказиб юборилгани ёки самарали малҳамнинг етарли бўлмаганидан, бу ердаги шифокорлар муолажаларига кўпчилик ишонмаган. — Шунинг учун Бухоронинг катта бойлари касал бўлиб қолса Чоржўй ёхуд Самарқанддан доктор чақирар эдилар. Агар касаллари сафарга чиқишга монелик қилмас, мазкур шаҳарларга ўзлари бориб даволанар эдилар, — деб ёзди муаллиф.

Бундан билиш мумкинки, касалхона асосан авом ва камбағаллар учун ишлаган. У ердаги шариоитлар, санитария талабларига жавоб берамаган.

Асардаги бадий тасвирига кўра, касалхонанинг «бинolari» буйра капалар ва оддий чодирлардан иборат бўлиб, булар беморларни на Бухоронинг мияни қайнатувчи офтобидан, на одамни лоҳас қилувчи гармселидан сақларди.

Асардаги воқеалардан яна шуни билиш мумкинки, ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар, шаҳардаги иссиқ ҳарорат, тиббиётга оид тушунчаларнинг етарли бўлмагани касалликнинг тез тарқалишига шариоит яратиб, ўлим ҳолатларининг кўпчилиги аҳоли орасида кўркуч ва ваҳима келтириб чиқарган. 1899 йилнинг июнь ойларида Бухоро шаҳрида тарқалган вабо ҳам минглаб инсонларни ёстанини қуритган (улар орасида Садриддин Айнийнинг ота-онаси ҳам бўлган), шу боис кўпчилик юқумли касалликнинг қанчалик хавфли эканини яхши тушунган.

Касалликни бартараф этишга Бухоро маъмурулари — қози калон, қўшбеги югурдақлари ва миршаблар кенг жалб қилиниб, улар кўчалардан беморларни тўтиб келиб, ўша касалхона доктори ва фельдшерига топшира бошлаган.

Аммо касалхона ишга тушган дастлабки ҳафтада бу ерга келтирилган беморлардан бирортасининг тирик чикмагани, одамлар орасидаги

ваҳимани янада кучайтиради. — Моҳият эътибори билан бу жой касалхона эмас, кушхонанинг ўзи бўлди, — деб ёзди муаллиф. Натижада, касаллик белгилари кузатилган, касалга йўлиққанлар уйдан чиқмайдиган бўлиб қолади. Адиб бундай одамларни рангига ўчган одамлар, деб таърифлайди. «Ҳолбуки Бухоро халқининг кўпчилиги ранги синик одамлар эди». (САйний «Эсдаликлар»).

Асардан билиш мумкинки, бу ҳол одамларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлади. Аҳолининг гуруҳ-гуруҳ амир аркига бориб, фиғон кўтариши натижасида Бухоро амири фуқароларни касалхонага олиб бориш ҳақидаги фармонини бекор қилади.

— Энди вабога қарши бу касалхонанинг вазифаси Россия фуқароларини ўлдириб бўлиб қолди. Бухоро ҳукуматининг икки маъмури, Россия давлатининг сиёсий ваколатхонасининг соқчиларидан икки кавалерист қазак ва касалхона тиббий ходимларидан бири кўчма-кўча айланми, йўлиққан беморнинг ҳужжатларини текшириб, Россия фуқароси эканини аниқлаб, сўнг касалхонага олиб борадилар, — деб воқеани кўзингиз олдида гавдалантиради адиб.

Мозийдан садо

«Бир кун мен қўлидаги воқеанинг устидан чиқиб қолдим. Икки нафар Бухоро маъмури ва битта ҳамшира, афтидан, арманга ўхшаш бир аёлни икки олтиқ фойтонга босиб касалхона тарафга олиб кетмоқда эдилар. Олтиқ қазаклар фойтоннинг икки тарафидида посбонлик қилиб борадилар. Хотин «Мен мусулмон бўлганман, жаноби олийнинг фуқаросиман», деб фарёд қилар ва ўзи шу қадар бақувват эдики, фойтонда уч кишининг қўл остидан даст туриб, ўзини фойтондан ташламоқчи бўлиб, белидан юқорисини ерга эгиб, кучли қўллари билан ерга тирмашар, олтиқ қазаклар қамчи билан унинг қўли ва бошига урардилар, аммо у бунга ҳеч парво қилмай: «Мен мусулмонман, мен жаноби олийнинг фуқаросиман, мени ўлимга олиб боришга ҳақингиз йўқ!», деб фарёд чекарди. (САйний «Эсдаликлар»).

Садриддин Айнийнинг «Эсдаликлар»ини ўқий туриб, ёзувчининг ижтимоий-сиёсий воқеаларни зийраклик билан кўзатиб, ўша даврдаги ҳаёт ҳақида қимматли маълумотлар қолдирганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Асарда муаллиф ўша даврнинг энг арзон овқати бўлган нўхат шурванни ичиб, ўзи ҳам вабо касалига чалинганини, 29 кун мобайнида ҳушсиз ётганини, бир мўйсафиди чол уни халқ табобати ёрдамида даволаб, парҳез билан оёққа туришига ердан берганини ёрқин тасвирларда ифодалаб беради.

Хулоса, юқумли касалликлар ҳам, карантин ҳам бизга бегона эмас. Турли, бугунги шариоит ва тиббиёт имкониятлари Садриддин Айний яшаган даврдидан анча юқори. Одамларнинг тиббий билимлари ошган. Лекин вируслардан ҳимояланиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Ҳозирча касалликдан сақланиш учун карантин тартибларига риоя қилишдан кўра самарали восита йўқ. Демак, карантин мавзуси ҳамон долзарб.

Дилшод БҮРИЕВ,

журналист



Бош Прокуратура эътиборига!

Жиззах вилояти



ҚОҒОЗДА «ПИШАЁТГАН» САБЗАВОТЛАР

ёхуд қўлдан-қўлга овора ер қиссаси

қилдим. Бироқ бундан натижа чиқмади. Масалага ички ишлар идораси аралашгачина далада ишлаш бошладим. Бу пайтда далани бегона ўт босиб кетган экан. Шундан бери Йўлдош Шокиров ариза ёзиш билан банд. Менинг эркин-эмин ишлашимга йўл бермапти...

Собиқ фермер эса туман ҳокимлигининг қароридан норози.

– Мутахассислар менга бошқа ерда деҳқончилик қилиш учун тақлиф беришди, – дейди Йўлдош ака. – Лекин уч йилдан буён ташландиқ ерга меҳр бериб ишлов беришга ҳаракат қилаётган чоғимда уни тортиб олишганининг сабаби нима? Шу боис туман ва вилоят прокуратураси, Президент виртуал қабулхонаси каби 20 тага яқин мутасадди идораларга мурожаат қилдим. Афсуски, ҳеч ким далага келиб, асл ҳолатни ўрганмади. Мутасаддилар мендан тушунтириш хати олиш билан кифояланмишди, холос.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, фермер хўжаликлари етиштириладиган ҳосилдорлик миқдори ернинг мелиоратив ҳолатига қараб белгиланади. Аниқроқ айтганда бўлса, маҳсулот етиштириш бўйича режа тузилади.

Ана шундай режа асосида янги ташкил этилган «Одилов Ҳисам» фермер хўжалиги 5 гектар ерга сабзавот, 3 гектарга полиз маҳсулотлари экиши керак эди. Бироқ айни пайтда фермер хўжалиги 2 гектар ерга ошқовоқ, қолган қисмига эса арпа эккан.

Хўш, сабзавотчиликка ихтисослашган янги фермер хўжалиги режадаги сабзавот ва полиз экинларини нега экмаган?

Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими мутахассиси Сардор Ма



миров айнан шу ҳудудга бириктирилган. У йил бошида хўжалиқда қанча ғалла, пахта ёки бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилганидан хабардор бўлиши лозим. Чунки эрта баҳордан то кеч кузгача экинзорлар бир неча мартаба ўлчаниши керак. Наҳотки, бу ҳолатдан Сардор Мамиров беҳабар бўлса?

Бугунги пандемия шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилатган бир пайтда негадир бу маҳсулотларни етиштириш фақат «қоғоз»дагина бор, холос.

Фермер Ҳисам Одилов бу ҳақида сўраганимизда қуйидагича жавоб берди: – Ерни олганимдан буён муаммолар гирдобидаман. Йўлдош Шокировнинг аризабозлиги туфайли даламга ҳам тайинли қарай олмаётман. Даладаги бегона ўтни тозалаш учун арпа экканман. Бу жойга ҳозир полиз ёки сабзавот экинларини экишни иложи йўқ...

– Дон қабул қилиш корхоналари билан шартнома тузганимиз?

– Йўқ. Арпани ўриб, 2 гектар ер



майдонига бўлса ҳам сабзавот эксам, деган ниятим бор. Лекин ҳозирча бунинг иложи бўлмапти...

Энди мудоага ўтадиган бўлса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ажратиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилишининг олдини олиш «Ўзагроинспекция»нинг Шароф Рашидов тумани бўлими зиммасидаги иш. Шу боис, инспекция раҳбари Дилшод Омоновга мурожаат қилдик. У фермер хўжалиги даласига нима экилганидан беҳабарлигини айтди. Гап орасида бир нафаргина ходими борлиги, шу сабабли тумандаги ҳар бир фермер даласига боролмаслигини ҳам қўстириб ўтди.

Ҳақли савол туғилади: туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими мутахассиси Сардор Мамиров кўрганини кўрмаганга олса, агроинспекция раҳбари Дилшод Омонов ходимларини камлигидан нолиса, қишлоқ хўжалигига масъул бошқа ташкилотлар бу ваколатимизга кирмайди деса, бу ёқда фермер билангича иш тутса, ким айбдор? Бу машур «Оққуш, қисқич-бақа ва чўртанбалик» масалидаги ҳолатнинг айнан ўзи эмасми?

Яна бир мулоҳаза шуки, ерни бировдан олиб, иккинчисига беришдан қўзланган мақсад нима эди? Бундай чигал ҳолатнинг юзга келишининг туб илдизи беписандлик, қўшиб ёзиш, ёлғон баҳоналарга бориб тақалмайди? Бу каби саволлар жуда кўп. Уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ойдинлик киритса, ажаб эмас. Чунки масаланинг ҳуқуқий мантиғи шуни тақозо этади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



Ўтган йилнинг январь ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликларини ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 14-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ўзини оқламаётган қолоқ хўжаликлар тугатилиб, уларнинг ер майдонларини юқори кўрсаткичларга эга илғор фермерларга қўшиб бериш жараёни бошланган эди.

Маъмур қарор асосида Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги фермер хўжаликлари фаолияти ҳам ўрганиб чиқилган. Тўғриликка ихтисослашган «Жиззах фойдаловчи» фермер хўжалиги даласида 3 гектар майдонга ҳеч қандай рухсатсиз шафтоли, бодом, узум каби мева-мевали кўчатлар экилгани, етарлича тут кўчатлари мавжуд бўлмагани маълум бўлган. Туман ҳокимлигида тузилган ишчи гуруҳнинг ҳулосасига асосан фермер хўжалигининг 8,7 гектарлик ер майдонини давлат захирасига қайтариш, фермер хўжалигини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш, ерларни қайта танловга қўйиш ҳақида туман ҳокимининг 2019 йил 22 февралдаги «Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги 785-сонли қарори қабул қилинган. Орадан бир кун ўтгач, халқ депутатлари Шароф Рашидов тумани кенгашининг 12 февралдаги 47-сессияси қарори асосида туман ҳокимининг 822-сонли қарори чиққан ва унда фуқаро Ҳисам Одилов

29-лойиха ёлиби, деб топилган. Холбуки, туман ҳокимининг 22 февралдаги қарорининг учинчи бандига мувофиқ туман захирасига қайтариб олинган ер майдони ўрнатилган тартибда танловга қўйилиши шарт эди. Бироқ негадир мутасаддилар танловни шовқалоқлик билан ўтказишни лозим топган. Танлов ўтказиш бўйича бирорта оммавий ахборот воситасида эълон берилмагани бунинг ёрқин исботи.

Шундан сўнг можабро куйидагича кечади: танлов ёлиби Ҳисам Одилов далага келиб, иш бошламоқчи бўлганда фермер хўжалигининг олдинги раҳбари Йўлдош Шокиров унга қаршилик кўрсатади ва ерни тортирмайди.

– Очиғи, мен танловда иштирок этганимда, бу ер кимга тегишли эканини ҳам билмас эдим, – дейди Ҳисам Одилов. – Сабзавотчилик учун шу ерни танладим. Йўлдошга «мана, қарор, энди ерни экин экишга тайёрлашим керак» деса, рози бўлмади. Шундан сўнг туман ҳокимиятига мурожаат

Мулоҳаза

Эртақларда ўқиганмиз: оқила қизлар хунари бўлмаса, ҳатто шаҳзодаларга ҳам турмушга чиқишмаган. Тўғри-да, бунинг ҳаёт дейдилар, паст-баланд йўллардан юришга тўғри келиши, тақдир чархпалаги тескари айланиб кетиши мумкин. Қадим-қадимдан инсон энг оғир вазиятлардан хунарига таяниб чиққан. Бошқача айтганда, инсоният тараққиёти хунардандчилик тараққиёти билан ўзаро узвий алоқадор.



Маъмур қарор асосида Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги фермер хўжаликлари фаолияти ҳам ўрганиб чиқилган. Тўғриликка ихтисослашган «Жиззах фойдаловчи» фермер хўжалиги даласида 3 гектар майдонга ҳеч қандай рухсатсиз шафтоли, бодом, узум каби мева-мевали кўчатлар экилгани, етарлича тут кўчатлари мавжуд бўлмагани маълум бўлган. Туман ҳокимлигида тузилган ишчи гуруҳнинг ҳулосасига асосан фермер хўжалигининг 8,7 гектарлик ер майдонини давлат захирасига қайтариш, фермер хўжалигини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш, ерларни қайта танловга қўйиш ҳақида туман ҳокимининг 2019 йил 22 февралдаги «Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги 785-сонли қарори қабул қилинган. Орадан бир кун ўтгач, халқ депутатлари Шароф Рашидов тумани кенгашининг 12 февралдаги 47-сессияси қарори асосида туман ҳокимининг 822-сонли қарори чиққан ва унда фуқаро Ҳисам Одилов

ҚИЗИНГИЗНИНГ ХУНАРИ БОРМИ?

Мамлакатимизда хунардандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, ҳамма ёшларимизнинг ҳам қўлида хунари борми? Айниқса, қиз боланинг ўн хунари бўлиши мумкин, деб ўйлайман. Эътибор қилинса, оилавий муаммолар кўпинча келинларнинг уквусизлиги, оддий уй юмушларини ҳам эп-лол-маслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Айрим қизлар ҳатто қўлагининг йиртигини ҳам тикиб килмаслиги бор гап. Бунинг оқибатида ҳали охори тўқилмаган либослардан воз кечилмоқда, оила иқтисодига зиён етказилмоқда.

Илгарилари келинларнинг сепида турли матолардан кураб тикилган кўрпа-тўшак, ёстиқлар кўп бўлар эди. Ҳозир уларнинг ўрнини фабрикаларда тикилган кўрпалар эгалламоқда. Ваҳоланки, халқ тилида «курок», деб номланган кўрпалар, кўрпача-ю ёстиқлар, аввало, гўзал, қолаверса, арзон бўлган. Улар «келин-куёв бир-бирига қуралиб кетсин» деган эзгу ният билан ёшларга совға қилинган. Бундай кўрпа-ю ёстиқлар хоржилик сайёҳларнинг ҳам диққатини тортиб келган. Улар энг харидоригир буюмлардан саналади. Мен узоқ йиллардан бери ёшларга меҳнат таълимидан сабоқ бериб келаётган

корхонани ишга тушириш учун кўп вақт кераклиги қарамай, ўзини ўзимиз асрашимиз кераклиги кун тартибига чиқмоқда. Кўча-қўйда никобсиз кишилар. Дўконларга болалар югуртирилган... Гўёки касалликни юқтириб олишдан қафолатлангандек... Никоб қани, деб сўрасангиз, сенинг нима ишинг бор дегандек, ёвқараш қилади. Кун кеча пойтахтимиздаги дўконлардан бирига уч-тўрт йигит кириб келди. Эшик олдида иситма ўлчаниб, қўлларига антисептик сепилгач, никобларини тўғри тақийи талаб қилишди. Шунда йигитлардан бири никобини бироз кўтарди-ю яна тушириб олди. Унга яқин бориб, сиз никобни ўзингизни бошқалардан асраш учун эмас, бошқаларни ўзингиздан асраш учун тақиб олдинг, дедим.

Агар одамлар бошқалардан ўзларини асраганидек, одамларни ҳам ўзидан асраса эди... Шахсий гигиена талабларига риоя этганидек, жамият гигиенасига ҳам эътиборли бўлишганида эди. Бекатда турсангиз, ишлатилиб, улоқтирилган бир мартали нам сочиқлар шамолда учиб юрганини кўрасиз. Антисептик ё этил спиртидан бўшган идишлар ахлат қутисига етиб бормаёди. Егулик ва ширинлик қоғозларини-ку айтмай қўя қолай.

Маълумотларни кузатсангиз, карантин чоралари енгилатилганига қарамай, ўзини ўзимиз асрашимиз кераклиги кун тартибига чиқмоқда. Кўча-қўйда никобсиз кишилар. Дўконларга болалар югуртирилган... Гўёки касалликни юқтириб олишдан қафолатлангандек... Никоб қани, деб сўрасангиз, сенинг нима ишинг бор дегандек, ёвқараш қилади. Кун кеча пойтахтимиздаги дўконлардан бирига уч-тўрт йигит кириб келди. Эшик олдида иситма ўлчаниб, қўлларига антисептик сепилгач, никобларини тўғри тақийи талаб қилишди. Шунда йигитлардан бири никобини бироз кўтарди-ю яна тушириб олди. Унга яқин бориб, сиз никобни ўзингизни бошқалардан асраш учун эмас, бошқаларни ўзингиздан асраш учун тақиб олдинг, дедим.

Гулнора ЖУМАНИЁЗОВА, Урганч туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Бошқаларни ўзингиздан асранг

Маълумотларни кузатсангиз, карантин чоралари енгилатилганига қарамай, ўзини ўзимиз асрашимиз кераклиги кун тартибига чиқмоқда. Кўча-қўйда никобсиз кишилар. Дўконларга болалар югуртирилган... Гўёки касалликни юқтириб олишдан қафолатлангандек... Никоб қани, деб сўрасангиз, сенинг нима ишинг бор дегандек, ёвқараш қилади. Кун кеча пойтахтимиздаги дўконлардан бирига уч-тўрт йигит кириб келди. Эшик олдида иситма ўлчаниб, қўлларига антисептик сепилгач, никобларини тўғри тақийи талаб қилишди. Шунда йигитлардан бири никобини бироз кўтарди-ю яна тушириб олди. Унга яқин бориб, сиз никобни ўзингизни бошқалардан асраш учун эмас, бошқаларни ўзингиздан асраш учун тақиб олдинг, дедим.

Транспортдан тушиб қўлини нам сочиққа артан қизгина уни бемалол кўча четига улоқтирди. Ўзингизнинг соғлигингиз ўзингизга керак экан, кўча супурувчилар соғлигини ким ўйлайди?

Қани энди, буларни ҳаммага бир-бир айтишини иложи бўлса. Шунинг учун бугунги куннинг минбари бўлган «Ishonch»га бу омонат гапни ишондим. Азиз юрдошим, хонадонимизда бир кишининг бир кун иситма қилиши ҳаммамизни жонсарак қилади. Унинг тузулиши учун шифохорларни оёққа турғизамиз. Дорихонага қатнаб, аҳлимизнинг тузулиши учун боримизни беришга тайёр бўламиз. Бугунги кунда ҳар бир вирус ўқтирган бемор сиз-у биз тўлаётган сочиқлар ҳисобига текин даволаняпти. Ҳатто оила аъзолари карантинга олиниб, уларга ҳам беминнат хизмат кўрсатилаяпти. Бу ишлар жамият аъзоларининг соғлиги йўлидаги ҳаракатлар эмасми? Нима учун баъзилар ўз саломатлигига бу қадар эътиборсиз муносабатда бўлмоқда?

Тасаввур қилинг, сиз меҳмонга борясиз. Транспорт воситасидан тушингиз. Касал одам ушлаган жойини ушлагансиз. Йўлда бошқа одам билан кўришдингиз. Борган хонадонингизда эшик тутқичи ва бошқа жиҳозларни ушладимиз. Кейин қўл ювдингиз. Вирус сизни зарарламади. Лекин сиз касаллик ташувчиси бўлиб қолдингиз. Бугунги кунда касал одам билан мулоқот қилмаганлар ҳам вирус юқтиряпти. Ҳамма гап шунда. Ўзингизни касалликдан асрагандек, бошқаларни ҳам ўзингиздан асранг.

Майли, бу гаплар синов кунларида оғир ботмасин, ҳозирча эса гигиенага риоя қиламиз ва уни доимий одатга айлантирамиз. Тозаликка нима етсин? Ҳозир ҳар биримиз одамларни ўзимиздан асрашга мажбур-миз. Қўлларингизни совунлаб ювинг!

Коронавирус чекинаё демаяпти. Аксинча, тобора қўлоқ ёймоқда. Касаллик аҳоли орасида ҳам авж олмақда. Жамоат транспортда, автомашиналарда бир марталик нам сочиқлар билан тутқичларни ушлаётганлар, қўлини тез-тез спиртда артаётганлар, никоб билан кўчада юрганларни тўғри тушуниш мумкин. Одамлар ўзларини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишяпти. Офарин! Бугун ташқи таъсир нима? Одамлар! Чунки касалликни тарқатаётганлар айнан одамлардир. Биз одамлардан ҳимояланиш учун никоб тақамиз, қўл ювамиз.

Мухиддин ТИНИБЕКОВ, Фавқуллода вазиятлар академияси хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти етакчи илмий ходими

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ҳамда касаб уюшма кўмитаси университети «Шарқ филологияси» кафедраси мудири, филология фанлари номзоди Саиджон ҲОЖИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси ҳамда касаб уюшма кўмитаси филиалнинг «Меҳнат иқтисодиёти ва бошқарув» кафедраси катта ўқитувчиси Тоҳиназира ИСМОИЛОВанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Dove» газеталари жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, «Халқ сўзи» газетаси Бош муҳаррири ўринбосари Шўҳрат Жабборовга онаси МАҚСАД аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Қалдирғочлар»нинг онлайн парвози

Зомин семинари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ёш ижодкорларнинг анъанавий «Зомин қалдирғочлари» анжуманини ташкил этди.

Анжуман пандемия сабабли ZOOM дастури орқали онлайн тарзда бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар Адиблар хибонада Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.

Анжумани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саидов кириш сўзи билан очиб, ёш ижодкорларнинг Зомин семинари бир неча йиллардан буён истеъдодли ёшларни кашф қилишга хизмат қилиб келганини, унинг қамровини янада кенгайтириш мақсадида Марказий Осиё давлатларидан ҳам ёш ижодкорлар қатнашиши таъминланаётганини таъкидлади.

Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев адабиёт ва китобхонлик байрамида Марказий Осиё давлатлари ёш ижодкорлари ҳам қатнашаётгани катта янгилик бўлгани, бу эса анъана тусини олишини эътироф этди.

1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу семинарда бугунга қадар қарийб 3000 нафардан ортиқ ёш ижодкор кашф қилинди. Бу йилги семинарда эса Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 58 нафар ҳамда Қозғистон, Қирғиз



стон, Тожикистон, Афғонистондан 12 нафар иқтидор эгаси маҳоратларини намойён қилишди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Ботиржон Эргашев. – Иштирокчилар ёш истеъдод эгаларини кашф қилиш, уларнинг бадиий қобилиятини янада ривожлантириш, устоз-шогирдлик анъаналарини йўлга қўйиш мақсадида ўтказилган семинардан ёрқин таассуротлар олишганини, бу келгуси ижодий парвозлари учун улкан бир туртки бўлганини эътироф эттишти. Уларнинг устоз адиб, шоирлар билан онлайн мулоқотдан ҳаяжони чексизлигини қутатди. Кириш, интилувчанлиги бизни яна ҳам меҳр билан ишлашга ундайди. Ижодий ҳамкорлигимиз қар-



дош республикалар ўртасидаги дўстликни ҳам мустаҳкамлайди. Ишончимиз комилки, ушбу анжумандан кўзланган мақсад тез орада ўз самарасини беради, албатта.

Назм, бадиий публицистика, бадиий таржима йўналишлари бўйича энг сара қўлёзмалар ўтказилган анжуман иштирокчиларнинг асарларини таниқли адабиётшунос олим ва фахрий устозлардан иборат ишчи гуруҳ саралаб, онлайн тарзда

маҳорат сабоқларини беришиди.

Бадиий таржима йўналиши бўйича қатнашган. Инглиз, рус, ҳинди ва урду тилларидан таржималар қиламан. Шерларим кўплас насларда чоп этилган, – дейди Нурхон Ёкубова. – Пандемия сабабли Зомин тоғлари бағрига бора олмаган бўлса-да, асло афсусланмаймиз. Таассуротларимиз чексиз. Устоз ёзувчи, шоирлардан келгуси фа-

олиятимизда асқотадиган муҳим сабоқларни олдик. Анжуманда юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ёш иқтидор эгалари аниқланди, энг сара қўлёзмалар Ёзувчилар уюшмасининг «Биринчи китобим» лойиҳасига тавсия этилади.

Ватанини қуйламаган шоир дунёда бўлмаса керак. Қўлига қалам тутган шоир борки, она Ватанини улуғлаб шеърлар беради. Бу ғоят табиий ҳол. Муҳаммад Юсуф Ватанини қандайдир баландларвоз, шеърдан шеърга ўтиб юрвучи жимжамдор сўзлар билан эмас, содда, мағзи тўқ сўзлар билан тасвирлайди. Унинг шеърларидаги Ватанини тасаввур қилиш осон ва ҳузурли; қайсидир жиҳати билан синглингизга, қайсидир жиҳати билан онангизга ё отангизга ўхшаб кетади. Ватанининг андозасини улардан оласиз, Ватанининг сарҳадларини уларга бўлган меҳр-у муҳаббатингиз билан белгилайсиз. Унинг «Изҳори дил» шеърларидаги сатрларга эътибор беринг-а:

Қўхна толбешикдан Бошланган олам, Сена иддаолар Қилмай севаман. Бир кунни синглим, деб, Бир кунни онам – Ватан, Кимлигингни Билмай севаман!..

Ватан ҳақида бундан-да самимий ёзиб бўлармикан? Шунинг учун ҳам унинг шеърларини ўқиган сари, Ватанга, тугилиб ўсган юртга муҳаббатингиз ортаверади. Буюк бастакорларнинг муқаддас мақсади мусиқада илоҳий сагга энг ақин оҳангини топиш ва тинловчига жаннатий овозни, беҳиштий садоларни туйдиришдан иборат бўлади. Олимлар эса инсониятни ўйлатадиган саволларга аниқ жавоб топиш йўлида азият чекади. Шоирлар эса миллатнинг виждонини, миллий қадриятларнинг муҳофизини, ҳис-туйғуларнинг кўзгуси ҳисобланади.

Муҳаммад Юсуф тилимининг жонқуяр ҳимоячиси эди. Бу бежиз эмас, у ҳар бир сўзини Ватан деб билар, Ватанини асрашни миллий тилдан бошлаш кераклигини шеърларида кўп таъкидлар эди. Сен бўлмасанг нима бизга

силлиқ шеърлар, Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар. Баҳозин-ку бериб кетган Алишерлар, Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим, Она тилим, кечир мени, она тилим.

Инсон она алласи билан қўлига қўйилган тилдагина тараққуслас сўзлай олади, кайфитини, ҳис-туйғуларини бехато ифода қилади, дилидагини эмин-эркин, бор бўйича тўқа олади. Шу маънода шоирлар миллат руҳиятидаги эвриллиларнинг, ижобий ва салбий ўзгаришларнинг барометрлари ҳисобланади.

Қандай алам оптимизни қўйса вевлар, Марғулонлар қаердаю Горчаковлар?... Бизни азал буюлмаган бу синовлар, Мингтегани атайлик ўз номи билан...

Буни шоирнинг катта васияти деб тушуномок керак. Давлат тилини ривожлантириш департаменти жой номларини, тарономмик объектлар номини тартибга солишга астойдил бел болаган. Муҳаммад Юсуфнинг бу орзусини мазкур муассаса фаолияти давомида амалга оширади, деган умиддамыз.

Халқ орасида «одам дунёга бир марта келади» деган машҳур гап бор. Одамдай яшагач, орзуларини эртанги кунга сурмас-



«Қоинот қачонлардир бир нуқтанинг, бир зарранинг парллашидан пайдо бўлган дейилади. Агар шу фикр тўғри бўлса, поэтик сўз, яъни шеърятнинг моҳиятида лоҳудудга сочилиб кетган қоинотни тўллаб, сидириб, яна ўша нуқтанинг ичида синдириш истаги етади», – дейди танқиди озор шоири Рамиз Раҳман. Ва шоирнинг зиммасидаги қутлуғ вазифа ҳақида гапириб: «Ҳар бир асл шоир тангирини ўз она тилида тасвирлайди ва ҳақиқий шоир тангирини дийдорини тилаб, қўлидай қанот қоқа-қоқа ўз тилининг осмонини кенгайтиради», – дейди. Қўлининг қанот қоқишидан оҳанг яралади, куйга айланади, сўзга айланади. Шу бегоен осмон қўшларга ва шоирларга армугон қилинди, деган бежиз айтилмайди.

ВАТАННИ «ИДДАОЛАР ҚИЛМАЙ» СЕВГАН ШОИР...

Ўз сўзи билан кўркли тилимининг уфқини кенгайтирган шоирлар кўп. Бугун бу тилда таранум этиб бўлмайдиган туйғу ёхуд тушунчанинг ўзи йўқ. Туркий тилини дағал ва назмга яроқсиз деб билганларнинг ҳаддини буюк Навоий XV асрдаёқ кўрсатиб қўйган. XX аср аввалида ўзбек тилида насрий асар ёзишнинг мушкуллигини рўқач қилганларни Қодирий ва Чўлпон насрдаги бетакор сўз назми билан ҳайратга солган. Кейинги авлодлар ичида ҳам бадиий сўзнинг меъморлари саналмиш катта шоирлар етишиб чиқди. Демак, муқаддас силсила давом этмоқда ва у миллат турғунча туради.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида адабиётимиз осмонда йўлчи юлдуздек порлаган шоир Муҳаммад Юсуф ўзининг содда ва самимий сўзи, ўзагина ярашадиган шеърятини билан эл назарига тушди. Қисқа умри давомида миллий шеърят ва замонавий қўшиқчиликнинг юксакларга кўтарилишига беиннат ҳисса қўша олди. Шоир ҳақида Эркин Воҳидов шундай ёзган эди: «Муҳаммад Юсуфни халқимиз севиб дилида сақлайди, Ватан қуйчиси, Истиклол қуйчиси деб ардоқлайди, ўзбек элига улғу меҳр, садоқат сингиб кетган назокатли, самимият тўла шеърларини қадрлайди, қўшиқ қилиб айтади. Унинг шеърятини чин маънода қанотли шеърят, юрт осмонда баланд парвоз қилувчи, юракларга қанот берувчи шеърят деса бўлади».

Ватанини қуйламаган шоир дунёда бўлмаса керак. Қўлига қалам тутган шоир борки, она Ватанини улуғлаб шеърлар беради. Бу ғоят табиий ҳол. Муҳаммад Юсуф Ватанини қандайдир баландларвоз, шеърдан шеърга ўтиб юрвучи жимжамдор сўзлар билан эмас, содда, мағзи тўқ сўзлар билан тасвирлайди. Унинг шеърларидаги Ватанини тасаввур қилиш осон ва ҳузурли; қайсидир жиҳати билан синглингизга, қайсидир жиҳати билан онангизга ё отангизга ўхшаб кетади. Ватанининг андозасини улардан оласиз, Ватанининг сарҳадларини уларга бўлган меҳр-у муҳаббатингиз билан белгилайсиз. Унинг «Изҳори дил» шеърларидаги сатрларга эътибор беринг-а:

Қўхна толбешикдан Бошланган олам, Сена иддаолар Қилмай севаман. Бир кунни синглим, деб, Бир кунни онам – Ватан, Кимлигингни Билмай севаман!..

Ватан ҳақида бундан-да самимий ёзиб бўлармикан? Шунинг учун ҳам унинг шеърларини ўқиган сари, Ватанга, тугилиб ўсган юртга муҳаббатингиз ортаверади. Буюк бастакорларнинг муқаддас мақсади мусиқада илоҳий сагга энг ақин оҳангини топиш ва тинловчига жаннатий овозни, беҳиштий садоларни туйдиришдан иборат бўлади. Олимлар эса инсониятни ўйлатадиган саволларга аниқ жавоб топиш йўлида азият чекади. Шоирлар эса миллатнинг виждонини, миллий қадриятларнинг муҳофизини, ҳис-туйғуларнинг кўзгуси ҳисобланади.

Муҳаммад Юсуф тилимининг жонқуяр ҳимоячиси эди. Бу бежиз эмас, у ҳар бир сўзини Ватан деб билар, Ватанини асрашни миллий тилдан бошлаш кераклигини шеърларида кўп таъкидлар эди. Сен бўлмасанг нима бизга

силлиқ шеърлар, Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар. Баҳозин-ку бериб кетган Алишерлар, Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим, Она тилим, кечир мени, она тилим.

Инсон она алласи билан қўлига қўйилган тилдагина тараққуслас сўзлай олади, кайфитини, ҳис-туйғуларини бехато ифода қилади, дилидагини эмин-эркин, бор бўйича тўқа олади. Шу маънода шоирлар миллат руҳиятидаги эвриллиларнинг, ижобий ва салбий ўзгаришларнинг барометрлари ҳисобланади.

Қандай алам оптимизни қўйса вевлар, Марғулонлар қаердаю Горчаковлар?... Бизни азал буюлмаган бу синовлар, Мингтегани атайлик ўз номи билан...

Буни шоирнинг катта васияти деб тушуномок керак. Давлат тилини ривожлантириш департаменти жой номларини, тарономмик объектлар номини тартибга солишга астойдил бел болаган. Муҳаммад Юсуфнинг бу орзусини мазкур муассаса фаолияти давомида амалга оширади, деган умиддамыз.

лиққа даъват қилувчи бу гапни шоир ўз йўригида сўроқлайди. «Одам дунёга бир марта келади. Шу бир калима сўз билан қанча савоб ишлар қилиш мумкин», дейди шоир. Ва шу бир жумлага одамзод қанча гуноҳларни, орзуларни, исёнларни, дард ва аламларни сиғдириб юборишини айтмоқчи бўлади. Шоир, халқ тилидан тушмайдиган бир жумлани сўроқлаш орқали халқ тилидаги ҳар қандай бирликнинг яшилликка, эзгуликка ва абадиятга дахлдор эканини ургўлайди. «Бир марта келинадиган дунёда фақат яхшилик қил, яхши ном қолдир», деган қадимий ҳикматнинг оҳорли ифодасини топади. Шоир халқ тилидаги айрим сўз, ибора ва қўйма гапларни ғуборлардан поклаб, асл ҳолида яна халққа қайтариб беради. «Одам дунёга бир марта келади» гапининг майда мақсад ва манфатлар учун қурбон қилмаслик кераклигини, эзгу ният ва амаллар учун ишлатиш зарурлигини эслатмоқчи бўлади.

Шоир ижоди – бедорликка даъваткор шеърят. У севи, висол, айрилиқ, изтироб каби шахсий кечинмалардангина иборат шеърят эмас. Китобхонни ижтимоий ҳаётда фаол яшашга, уйғоқликка чорловчи шеърят. Бир шеърда шундай сатрлар бор:

Мудроқ босган дилим, Айтман бир сир. Тангри уйқунини-да Палада тортар. Ҳайр – ҳам Насияга берилган сайр. Ҳайр – ҳам Насияга берилган сайр. Ҳайр – ҳам Насияга берилган сайр.

Умрининг ҳар они ўлчовли, ҳатто уйқунинг ҳам бадали бор. Буни идрок қилган китобхон ўз умрини сарҳисоб қилади ва шоирдан миннатдор бўлади.

Муҳаммад Юсуф ижоди умуминсоний қадриятларни улуғловчи шеърят ҳисобланади. Унинг шеърларида инсониятга алоқадор эзгу хислатлар, савоб амалларнинг тамоми энг баланд пардада қуйланади. Бир мансур шеърда шундай дейди: «Асли инсон хоки қўйилган ҳамма жой азиз ва муқаддасдир. Бас, шундай экан, одамлар истаган қабр тупроғини кўзларига суртсин. Бундан кимга жабр?». Бу ерда инсоннинг дин, эътиқод, маъна, ирқ, миллат ва ранг-рўйи қандай бўлишидан қатъий назар, муқаддаслиги ва унинг хоки қўйилган тупроқнинг азизлиги тараннум қилинмоқда.

Шоир шеърни, тилини аждодлардан қолган ва авлодларга бекам-беҳато етказиши шарт бўлган муқаддас мерос деб билади.

Тушимга киради Қодирий бобом Бемадор, бемажол, беҳол беором. Тушимга киради Қодирий бобом: Тур дейди, мунча кўп ухладин, болам. Сўзга, тилга, миллий анъана ва қадриятларга лоқайдликни аждодларга, ота-боболаримизга, Қошғарийга, Навоийга, Бобурга, Қодирийга хиёнат деб билади. Ундан-да ўта Ватанга хиёнат деб тушунади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бир гуруҳ ёзувчи, шоир ва зиёлилар билан ўтказган учрашувида миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, галдаги муҳим вазифалар ҳақида гапириб: «Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришга адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак», деган эди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоасига шоир Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодий фаолиятини кенг тарғиб қилиш вазифаси юклатилган эди. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ибратли ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш бўйича институтда ўқув-маърифий тадбирларни ташкил этиш, илмий-ижодий фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар режаси тузилди. Институтнинг барча курс ва гуруҳларида Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган махсус курслар ўқитилиши белгилаб олинди. Бу, махсус курсларни ўқитишдан мақсад бир шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўргатишдангина иборат бўлмаслиги керак. Ватанини Муҳаммад Юсуфдек «иддаолар қилмай» севишни ўргатишдан, она тилимининг Муҳаммад Юсуфдек тард юқтирми ардоқлашни ўргатишдан, беқис миллий қадриятларимизни унингдек аёнлаштиришдан иборат бўлишига эришмоғимиз лозим.

Матруфжон ЙЎЛДОШЕВ, филология фанлари доктори

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (Тахрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛИМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Раҳман БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўхроб РАФИҚОВ, Шоқим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУЛЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚЎЛМУРОДОВ, Темура МАМАЖОНОВ, Меҳриддин ШУКУРОВ, Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69, Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89, Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79, Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43, Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайты орқали Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Қўруқлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22, Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23, Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31, Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34, Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28, Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28, Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44, Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26, Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55, Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32, Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24, Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01, Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани номини кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Ҳ.Норбоев

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:05, Топшириш вақти – 23:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма Ғ – 717, 27953 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Баҳоқосилинган нарҳда

Манзил: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Iprotka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТУР: 201133889, ОКДЗ: 58130

Қардош ёшлар илҳами

Бир неча йиллардан буён истеъдодли ёшларни кашф этиб келаятган Зомин анжуманининг бу йил қамрови янада кенгайди. Унда кўшни давлатлардан ҳам ёш ижодкорлар қатнашди. Қуйида қардош ёш ижодкорларнинг ижодидан баҳраманд бўлинг:

Ирисгул ИЗАТОВА, Қирғизистон Республикаси

Мирзоҳид Музаффар таржимаси

УНУТИЛГАН УЗР, Ишқ измида ловулайди юракчиным, Ҳисларимни пайҳон этар, кўзларим нам. Ундан кўнгил узолмайман, мулталоман, Ёлғончи ёр ўзгани деб ўртанса ҳам.

Ҳасанбой ҒОЙИБ, Тожикистон Республикаси

Фохриддин Ҳайит таржимаси

БИРЛАШГАН ЭЛЛАР, Бирлашган эллар доим шод бўлар, масрур бўлар, Кўкси тоғ, юзи ёруғ, сарбаланд, мағрур бўлар. Ҳар амалда пешқадим, оламга машҳур бўлар. Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно, Ҳақ йўлини танлаган инсонларга тасанно.

САМАРҚАНД ЛАВҲАЛАРИ, ...Ва яна тўқилар кузак ашқлари тарих юксалтмаган деворлар узра, изирилар эса жон берар бесас кўчаларнинг тош кучоғида... Бўйинини чўзади харсанг зиналар ўтган-кетганларни кўрмоқлик учун. ...Босиб келар кўлқалари Хон чинорларин Расаҳона буржларнинг сийналарини. япроқлари айлар худкушлик бир ҳовуч кун шуъласи ичра; ўйлама, япроқлар минг йиллик чинорларнинг хабарчисидир. ...Самарқандга инмоқда чошгоҳ, йиқилар кулгулар деразалардан... Бу шаҳарнинг меҳмонларин табассумидан муқаддас битиклар музлар, совақтар.

Ақил элга Тангри ҳам сорбон ато айлағай, Манзилга етмоқ учун карвон ато айлағай. Юлдузини урмоқ учун нарвон ато айлағай. Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно, Ҳақ йўлини танлаган инсонларга тасанно. Юз йиллик армонлар ҳам унут бўлиб кетгайдир, Кечиримли юракнинг заҳми ҳам тез битгайдир. Иноқ бўлсалар эллар муродиға етгайдир. Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно, Ҳақ йўлини танлаган инсонларга тасанно. Элға қувонч бахш этган давронлар омон бўлсин, Ватанини обод этган боғбонлар омон бўлсин. Юрт тинчлигини посбони – ўғлонлар омон бўлсин, Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно, Ҳақ йўлини танлаган инсонларга тасанно. Шу табарруқ тупроқда бордир боболар изи Кўрнимдас оламлардан бизга тикилган кўзи. Ҳасанбекнинг дилида бор сизга айтар сўзи: Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно, Ҳақ йўлини танлаган инсонларга тасанно.